



ОТМ

и жтимоий-  
маърифий  
журнал

35-сон 2021/1442

Электрон манзил: muslimaat@islom.uz



# Омна

электрон журнали

**Бадийй раҳбар:**

Одинахон МУҲАММАД СОДИҚ

**Масъул мұхаррир:**  
Азиза Жалолиддинова

**Ҳайъат аъзолари:**  
Мадина Джураева  
Муҳайё Мұхаммад Юсуф  
Гулшода Аллоқулова  
Адолат Хусанова  
Замира Тўйчиева  
Адиба Сулаймонова

**Мұхаррирлар:**  
Барно САИДРАҲМОН  
Райҳона ШОМИРЗАЕВА

**Дизайнер:**  
Рухсора АЗИЗОВА



## АЛЛОҲНИНГ ГЎЗАЛ ИСМЛАРИ

Куддус сифатининг маъноси шуки, бу Зот ҳар қандай айблардан холи, нолойиқ сифатлардан муназзаҳдир. Мутлақ муқаддаслик ва мутлақ поклик Аллоҳнинг Ўзигагина хосдир.

«Құддус» исми Қуръони каримда икki үринде – Ҳашр сурасининг 23-ояти ҳамда Жума сурасининг 1-оятида келган.

Оиша розияллоху анходан ривоят қилинади:

«Расулуллох соллаллоху алайхи васаллам рукуъва саждаларида: «Суббухун, Қуддуусур Роббул малааикати вар-руух» (У Покдир, Куддусдир, фаришталар ва Рухнинг яъни Жаброилнинг Роббидир) дер эдилар.

(Имом Муслим, Абу Довуд ва Насоий ривоятлари).

Демак, «Ал-Қуддус» сифати аввало мутлақ пок деган маънени англатар экан.

Баъзи үринларда жаннат ҳам муқаддас жой деб аталади, чунки жаннат бу дунёга хос бўлган айблардан холидир, покдир, у ерда тақаббурлик, кўз ожизлиги, қариллик, бел эгилиши, ота-онага оқ бўлиш, ёмон хотин, етишмовчилик ва касаллик деган нарсалар бўлмайди.

«Биз Аллоҳни муқаддас билиб, поклаймиз, улуғлаймиз», дегандан нафсларимизни поклаб, У Зот томон юзланишга тайёргарлик кўрамиз, деган маънени ирова қиласиз. Инсоннинг ўз нафсини

поклаб, мақомини Аллоҳ томон юксалтирмоғи дунёдаги энг муҳим ишлардандир.

Бир киши қандайдир маросим ёки йиғинга чақирилса, у ўзининг энг покиза, чиройли кийимларини кийиб, хушбўйликлар суртиб, ташқи кўринишини, хатти-ҳаракатини тартибга солади. Ҳудди шунингдек, инсон ҳам жаннатда Аллоҳнинг ҳузурига бориш, У Зотнинг жамолини кўришга лойиқ бўлиш учун ўзини

гўзалликдир, ботиний гўзалик эса инсоннинг қалбida бўлади ва уни фақат Роббимизгина кўра олади. Бир ҳадиси қудсийда: «Бандам бандаларнинг назари тушадиган жойни йиллаб тоза тутди, аммо Менинг назарим тушадиган жойни (қалбни) бир соат ҳам тозалаб қўймади», дейилган. Демак, Қиёмат куни пайғамбарлар, сиддиқлар, шаҳидлар ва солиҳлар билан бирга бўлишни истасак, энг муҳим ишимиз нафси гуноҳ ва маъсиятлардан тоза тутишдир.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда Жаброил алайхиссаломни «руҳул қудус» деб номлаган, чунки бу буюк фаришта илоҳий ваҳийни – ояти карималарни пайғамбарларга етказишида ҳар қандай айбу камчиликлардан, нуқсонлардан холи бўлган, унутиш, ўзgartериш, ўрнини алмаштириш, қўшимча қилиш, ўчириб юбориш, муболаға қилиш каби ишлардан пок бўлган.

Ал-Қуддус сифатининг маъноси пок деган маънени англатар экан, бунинг яна бир ҳикмати шуки, Аллоҳ таоло гуноҳ ва айблардан пок бўлсаккина, амалларимизни қабул қиласи, демакдир. Аллоҳим! Сени айбу нуқсонлардан поклаб ёд этамиз, Сенга боғланиш



поклаб, тайёргарлик кўриши ҳаётдаги энг муҳим ишлардандир.

Аллоҳ таоло покдир, бинобарин, фақат ва фақат пок ва тоза нарсани қабул қиласи. Инсон уйига меҳмон таклиф қилса, ҳамма ёқни супуриб-сириби, ҳовли-жойини тартибга келтиради, чунки келадиган меҳмонга ўзини ҳам, уй-жойини ҳам чиройли кўрсатишга ҳаракат қиласи. Аммо бу инсоннинг кўзига кўринадиган зоҳирий

учун нафсларимизни гуноҳлардан поклаймиз.

Ал-Қуддус сифатидаги поклаш ва улуғлаш деган маъноларга янада чукурроқ қарасак, бунинг асли тавҳид эканини англаймиз. Банда ўрганиши керак бўлган нарсаларнинг энг афзали тавҳиддир. Тавҳид деганда ибодатда Аллоҳ таолонинг ёлғиз Ўзини ирода қилиш тушунилади.

Ал-Қуддус сифатининг маъноси Аллоҳни инсоний сифатларнинг барчасидан поклашдир. Гоҳида инсон Аллоҳни ота каби меҳрибон ёки қози кабиadolатли деб тасаввур қилади. Аммо Аллоҳнинг Зоти бу каби ўхшатишлардан йироқдир. Инсон ўзига етиб келган илм ва онг доирасидаadolатни қозига, раҳмдилликни отага нисбат беради. Аммо Аллоҳ таолонинг сифатлари ҳар қандай инсоний сифатлардан мутлақо йироқдир. Шунинг учун баъзи уламолар: «Фикринга келган барча нарсада Аллоҳ унинг аксидир», дейишган.

Масалан, «мунтақим» (интиқом, қасос оловчи) деган сўз инсонга нисбатан ишлатилса, бу ижобий бўлмайди, мунтақим деб сифатланган одамнинг ўзи ҳам бундан мамнун бўлмайди. Аммо «ал Мунтақим» Аллоҳнинг гўзал исмларидан бири бўлиб, золимларни зулмдан тўхтатиш учун интиқом оловчи деган маънони англашади. Золим, гуноҳкор бандадан

интиқом олинса, мазлумларга тасалли бўлади, чунки зўравон одамни фақат ўлим тўхтатади.

Шунинг учун Аллоҳнинг Зоти ва сифатларини ҳақиқий маънода фақат Аллоҳнинг Ўзигина мукаммал танийди. Ҳатто пайғамбарларнинг ҳам Аллоҳни таниши мутлақ эмас, нисбийдир. Шунинг учун Аллоҳ таоло Қуръони каримда «Гуноҳларинг учун истиғфор айт», (*Мұхаммад сураси, 19-оят*) деган. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳга ҳар юзланганларида янгича бир тушунчага эга бўлардилар, ҳатто аввалги тушунчаларидан уялиб кетардилар. Дарвоҷе, тақбир калимаси, яъни «Аллоҳу акбар» жумласининг кўплаб маъноларидан бири «Аллоҳ сен билганингдан кўра буюкроқдир», демакдир.

Диннинг асли маърифатуллоҳ, яъни Аллоҳни танишдир. У Зотни танисанг, Унинг тоатига шўнгийсан.

Биз ожиз бандалар Аллоҳ таолонинг гўзал исмларини билишга ниҳоятда муҳтоjmиз, чунки бу илм диннинг асосларидан биридир, ҳатто Ислом ақидасининг нозик, дақиқ, аммо муҳим ва ажралмас қисмидир.

Ал-Қуддус исми Аллоҳнинг зотига далолат қилади, шунинг учун у «исми зот»дир, қудусий сифатга далолат қилгани учун эса «исми сифат»дир, Аллоҳ-

нинг феълига васф бўлгани учун «исми феъл» ҳамдир. Демак, ал-Қуддус исми ҳам зот, ҳам исми сифат, ҳам исми феълдир.

Аллоҳ таоло Ўз зотида муқаддасдир ва барча айбу нуқсондан холидир, чунки У барча камолот сифатлари билан васф қилингандир. Аллоҳнинг Ўзи муқаддасдир, Ўзи хоҳлаган бандаларини ҳам муқаддас қилур.

Ҳадисда: «Аллоҳ бир умматни муқаддас қилмайди, агар заифнинг ҳаққини олиб бермаса», дейилган (*Имом Ҳоким ривояти*).

Бунда икки ишора бор.

Биринчиси шуки, Аллоҳнинг қонунига мувофиқ, агар заифга ёрдам берсак, заифни қўллаган бўламиз, уни ҳалокатдан сақлаб қолган бўламиз, натижада бундайadolатни жорий қилган уммат доимо омон бўлади.

Иккинчи ишора тавҳидга оидdir. Заифга ёрдам бериб, очларга овқат, кийимсизга либос улашсак ва мазлумга ёрдам берсак, Аллоҳ бизни ҳам ана шу амалимизнинг жинсида мукофотлайди, мукофотлаганда ҳам, биздан кучли Зот мукофотлайди.

Салмон Форсий айтадилар: «Ер ҳеч кимни муқаддас қилмайди. Инсонни қилган амали муқаддас қилади. Банда тўғри йўлда юрса, тоза ва покиза бўлса, ботини зоҳири каби бўлса, муқаддас бўлади. Аллоҳ муқаддас қилган соғлом

қалб деганда Аллоҳ рози бўлмайдиган шаҳвоний нарсани истамайдиган қалб тушунилади. Бундай қалб бидъат аралашмаган суннатни маҳкам ушлайди, Аллоҳнинг ваҳийисига зид бўлган хабарни тасдиқламайди. Соғлом қалбли киши фақат Аллоҳнинг шариати билан ҳукм юритади ва Унинг Ўзигагина ибодат қиласиди. Ибодат ихтиёрий тоат бўлиб, қалбий муҳаббат билан қоришган бўлади, унинг асоси кучли ишонч бўлиб, инсоннни абадий саодатга олиб боради.

Ал-Қуддус сифатли Зот ибодат қилувчи бандарининг қалбини нопокликлардан тозалаб, муқаддас қилувчидир.

Ал-Қуддус сифатли Зот зоҳидларнинг қалбини дунё муҳаббатидан тўсиб, муқаддас қилувчидир.

Усул олимлари бу маънонинг аксини айтадилар, яъни ким ҳавои нафсини Аллоҳ чизиб берган тўғри йўл билан қондирса, гуноҳкор бўлмайди. Масалан, шаҳвати аёлни тусаб, унга ҳалол никоҳ билан қовушса, Аллоҳ бу никоҳга баракот беради. Нафс молдунёни тусаб қолганда уни ҳалол касб билан қўлга киритса, гуноҳкор бўлмайди. Демак, ким Аллоҳнинг ал-Қуддус исмини таниса, унинг маъносини англаса, нафсини ҳам, мол-мулкини ҳам ҳаромдан поклайди, тозалайди.

Бир олим зотни зиёрат

қилдим. Ёшлари 96да экан. Шифокорлар у кишини текшириб кўришса, айтарлик касаллик йўқ экан. У зот: «Аллоҳга қасамки, ҳаётимда бирор ҳаром иш қилганимни эслай олмайман», дедилар.

Яна бир олим бор эдилар, кексайиб қолган бўлсалар ҳам, қоматлари тик, кўзлари ўткир эди, қулоқлари ҳам яхши эшитар эди. Бунинг сабабини сўрашганда у зот: «Болам! Биз ёшлиқда тана аъзоларимизни (гуноҳдан) муҳофаза қилган эдик, шунинг учун Аллоҳ қариганимизда ҳам уларни муҳофаза қилиб берди», дедилар.

Ким тақво асосида ҳаёт кечирса, ҳаёти мазмунли кечади, буюк ҳаёт бўлади. Солиҳ амаллар юзга зиё, қалбга нур, ризқа баракот, баданга қувват бўлади, эл-юртнинг муҳаббатига сазовор қиласиди. Ёмонлик эса юзга хиралик, қалб ва қабрга зулмат, баданга толикиш, ризқа танглик беради, эл-юртнинг нафратига учратади. Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Киши гоҳида гуноҳлари сабабли ризқидан маҳрум бўлади», деганлар.

Ал-Қуддус исмининг мөҳиятини англаб етган одам йўқотган нарсаси учун ғам чекмайди, Аллоҳни топганидан кейин бошқа нарсларга эътибор бермайди.

Ал-Қуддус исмини билган одам куч-қувватли, бой одамга ўзини хор қилиб қўймайди, чунки мўмин

кишининг шарафи тундаги ўқиган намози ва одамлардан беҳожатлиги билан бўлади.

Ҳар бир мўмин-мусулмон нафсини поклаб, барча ҳаром нарсалардан ўзини сақламоғи лозим. Зоро, «Ҳаром нарсалардан четланиш билан Аллоҳга тақво қил, тавба қилувчилардан бўласан. Шубҳали нарсаларга шўнғишдан парҳез қил, покдомон кишилардан бўласан. Ҳаёт учун зарурат миқдоридан ошиғини қўлга киритма, оғир ҳисоб китобдан нажот топасан», дейилган. Катта бозорга кирсангиз, одамларнинг эҳтиёжи нақадар кўплигини кўрасиз. Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким эсон-омонлиқда, жисми оғиятда тонг оттирса ва ҳузурида бир кунлик ризқи бўлса, унга бутун дунё бўйсундириб қўйилгандекдир», деганлар (*Имом Бухорий, Термизий ва Ибн Можа ривояти*).

Ал-Қуддус исми олдидағи мажбуриятимиз нағсимизни турли разолатлардан холи қилиб, поклаб, мусафро ҳолга келтиришдир.

Аллоҳ таоло барчамизга ал-Қуддус сифатига муносиб пок ва салим қалб насиб этсин!

**Манба:** Доктор Мұхаммад Ротиб Наблусийнинг «Аллоҳнинг гўзал исмлари» номли асари асосида Анвар Аҳмад таржимаси.

# ҲАЁНИНГ ФОЙДАЛАРИ



**А**бу Масъуд розияллоху анхудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоху алайхи васаллам: «Ҳаё қилмасанг, хоҳлаганингни қилавер» (деган гап) одамларга етган биринчи нубувват сўзлариданdir», дедилар» (Имом Бухорий ривоят қилган).

Ҳаёning таърифи:  
«Ҳаё» сўзи луғатда беҳаёлик ва бешармликнинг зиддини англатади. Бош-

қача қилиб айтганда, «Ҳаё айдан ва маломатдан кўрқиб, ўзини тортиш, бирор ишни қилмаслик».

Уламолар ҳаёни шундай таърифлаганлар:

«Ҳаёning ҳақиқати шуки, у шариатга мувофиқ барча гўзал нарсани қилишга, ёмон нарсани тарк этишга ундейдиган бир хулқдир», дейишган.

Ҳаё билан хижолат тортишнинг фарқи:

Ҳаё шариатга мувофиқ барча гўзал нарсани қилиш, ёмон нарсани тарк этишга ундуса, хижолат тортиш, шариат буюрган ишни қилмасликка сабаб бўлиши мумкин. Масалан, ҳажга эҳром боғлаган одам шалварини ечмаса, хижолат тортган бўлади, ҳаё қилган бўлмайди.

Уламолар ҳаёни икки турга бўлишган:

1. Туғма ҳаё.
2. Ҳаёт давомида шакланган ҳаё.

Мусулмон ахлоқ илми уламолари эса: «Инсонга ота-онасида бор баъзи ахлоқларнинг хамиртуруши онасининг қорнида ҳомила бўлганида ўтади. Аллоҳ бандани халқ қилиш чоғида унга ахлоқ қобилиятини қўшиб яратади. Инсон туғилиб, ўсиши жараёнида тарбия, муҳит ва одатланиш оқибатида у ёки бу ахлоқни ўзида ривожлантиради ёки йўқотиб юборади», дейдилар.

Уламолар ҳаёни бир неча навларга тақсимланлар.

1. Аллоҳ таолодан ҳаё қилиш.

2. Фаришталардан ҳаё қилиш.
3. Одамлардан ҳаё қилиш.
4. Ўзидан ҳаё қилиш.
1. Аллоҳ таолодан ҳаё қилиш.

Агар банда бутун вужуди ва ҳис-туйғуси билан Аллоҳ таоло уни доимо кўриб туришини ҳис қилса, Аллоҳ таолодан ҳаё қилади, У Зотнинг амрини бажаради ва қайтарган ишларини қилмайди.

2. Фаришталардан ҳаё қилиш.

Фаришталар кўплаб ишларни бажарадилар. Ўша ишлардан бири – одамларнинг ишларини кузатиб, амалларини ёзиб бориши вазифаси.

- Ўша ишлардан иккинчиси – инсонни доимиий равишда муҳофаза қилиб юриш вазифаси.

Ибн Умар розияллоҳу анҳумдан қилган ривоятда: «Расууллоро соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**إِيَّاكُمْ وَالْتَّعْرِيِّ، فَإِنَّ مَعْكُمْ مَنْ لَا يُقَارِفُكُمْ إِلَّا عِنْدَ الْغَائِطِ، وَحِينَ يُقْضِي الرَّجُلُ إِلَى أَهْلِهِ، فَاسْتَحْيُوهُمْ وَأَكْرِمُوهُمْ**

«Яланғоч бўлишдан сақланинглар, чунки сиз билан қазои ҳожат ва эркак киши ўз аёли яқинлик қилган пайтдан бошқа вақтда ҳеч ажралмайдиган зотлар бўлади. Улардан ҳаё қилинглар ва уларни ҳурмат этинглар»,

деганлар» (*Имом Термизий ривояти*).

3. Одамлардан ҳаё қилиш.

Хўзайфа ибн Ямон розияллоҳу анҳу: «Одамлардан ҳаё қилмайдиган кимсада яхшилик йўқдир», деган.

4. Ўзидан ҳаё қилиш.

Мўмин-мусулмон киши ўзининг кимлигини унумаслиги, Аллоҳ таоло унга иймон неъматини, Ислом неъматини бериб қўйганини эсидан чиқармаслиги керак. Агар ким одамлардан ҳаё қилиб, ўзидан ҳаё қилмаса, ўзини ўзи хорлаган ва ерга урган бўлади.

Амри маъруф ва ҳаё:

Ҳақиқий ҳаё бошқаларни яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтаришдан тўсмайди.

Ҳаё соҳиби гоҳида ҳақ билан юзма-юз келишга ҳаё қилиб, амри маъруф ва наҳий мункарни тарк қилиши мумкин. Гоҳида

ҳаё уни баъзи ҳуқуқларни талаб қилишдан тўсиши мумкин. Бунга ўхшаш нарсалар одатда учраб туради. Бу ҳаё эмас, балки ожизлик, қўрқоқликдир. Шунинг учун ҳам Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**الْحَيَاةُ حَيْرٌ كُلُّهُ**


«Ҳаё фақат яхшилик келтиради», деганлар. Ана ўша ҳақиқий ҳаёдир.

Ибн Умар розияллоҳу анҳумдан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам биронни ҳаёси учун «Сен ҳаё қилиб, ўзингга зарар қиласан», деб итоб қилаётган кишининг олдидан ўтиб қолдилар ва:

**دَعْةُ، فَإِنَّ الْحَيَاةَ مِنِ الْإِعْبَانِ**

«Уни ўз ҳолига қўй! Ҳаё иймондандир», дедилар». (*Имом Бухорий, Имом Муслим ривоят қилишган*).




# БИЛОЛ ИБН РАБОХ РОЗИЯЛЛОХУ АНҲУНИНГ ФАЗЛЛАРИ

Каъбанинг ичидан қайтиб чиққанларида Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу ҳазрати Билол розияллоҳу анҳудан: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам нима қилдилар?» деб сўраганлар. Шунда Билол розияллоҳу анҳу: «Бир устунни ўнг, бир устунни чап, учта устунни орт тарафларида қилиб, намоз ўқидилар», деб айтган. Ўша пайтда Байтуллоҳнинг ичидаги олтита устун бор экан. Кейинчалик ҳазрати Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу қачон Каъбанинг ичига кирсалар, худди Билол розияллоҳу анҳу хабар берганлариdek қилиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қилганларини такрорлашга уринар эканлар.

Буларнинг ҳаммаси Билол ибн Рабоҳ розияллоҳу анҳунинг фазллари қанчалар улуғ эканини яна бир бор намоён қиласди.

*«Ҳадис ва ҳаёт»  
китобининг 24-жузидан  
олинди.*





## Болаларга тегишли ҳұмлар

Ота-оналар ёки бошқалар болага кийим-кечак, үйинчоқ ва бошқа нарсалар ҳадя қылсалар, бу нарсалар ўша боланинг шахсий мулкига айланади (гарчи балоғатта етмаган бўлса ҳам). Бу мулкни ота-она ўзи хоҳлаганидек тасарруф қилиши жоиз эмас. Мабодо тасарруф қилса,

бала балоғатга етган бўлса, ота-онанинг қилган ишига розилигини билдирса, жоиз.

Балоғатта етмаган бўлса, билдирган розилиги ўтмайди. Юқоридаги қавлга биноан, қийматини тўлаш керак бўлади. Шунинг учун ёш болаларга кийим-кечак, үйинчоқлар ва бошқа

нарсалар олиб берилаётганда шахсий мулк эмас, вақтингчалик фойдаланиш учун, деб ният қилиб олиб бериш керак. Мисол учун, «Болажоним, мана бу кўйлакни сенга вақтингчалик кийиб, фойдаланишга совфа қиласман». Шундай ният билан олиб берилса, бу кўйлак ота-онанинг ўз мулкида бўлгани учун кичик келиб қолганда ёки либослар кўпайиб кетганда акаука, опа-сингил, қариндошларга бериб юбориши, хоҳлаганча тасарруф қилишлари мумкин.

Шунинг учун ақийқа ва бошқа муносабатлар билан чақалоқ ёки болаларга ҳадя бераётганда бу ҳадя онасига ёки отасига, деб ният қилинса, боланинг ота-онаси учун ҳолат осонлашади. Ҳадялар ота-онанинг мулки бўлгани учун чакалоқ ёки болага муносибидан, ўлчами ва ранги ярашганидан фойдаланишади. Фойдаланишмаса, хоҳлаганча тасарруф қила олишади.

Бу ҳұмни билмай, боланинг мулкида бўлган нарсаларни бериб юборган бўлсалар, болага ўша мулк қийматини тўлайдилар. Агар бала балоғат ёшига етиб бўлган бўлса, розилиги сўраб қўйилади.

*Мұхаммад ибн Маҳмуд  
Уструшонийнинг “Болаларга тегишли ҳұмлар”  
китобидан  
Замира Тўйчиева  
тайёрлади*



## Аёлларга хос энг зарур масала

من أكثر الأسئلة طرحًا لدى النساء السؤال عن الإفرازات الخارجة منهن، والتي تسمى لدى الفقهاء بـ«رطوبة الفرج»، هل هي طاهرة أم نجسة، وهل تنقض الوضوء أم لا؟  
وبينه:

إن هذه الإفرازات طاهرة عند الإمام أبي حنيفة رضي الله عنه، وفي «الجوهرة النيرة» ١: ٣٨: «رطوبة الفرج فهي طاهرة عند أبي حنيفة كسائر رطوبات البدن».

وبالتالي لا يتنجس اللباس الذي تلامسه؛ لأنها كسائر رطوبات البدن من عرق وغيره لا تنجس الملابس. ففي «رد المحتار» ٣٤٩: «رطوبة الفرج طاهرة

Аёллар томонидан күп сүраладиган саволлардан бири ўзларидан келадиган ажралма ҳақидадир. Бу фуқаҳолар наздида «фарж рутубати» деб аталади. У покми ёки нажасми? У таҳоратни кетказадими, йүқми?

Имом Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳи наздиларида бу ажралмалар покдир. «Ал жавҳаротун-найири» да: «Фарж рутубати Абу Ҳанифанинг наздида бошқа бадан рутубатлари каби покдир», дейилган (1:38). Қолаверса، у теккан либос нажас бўлмайди. Чунки у бадандан

ажраладиган төр ва бошқа шу каби рутубатларидан бўлиб, либосни нажас қилмайди.

«Роддул муҳтор» да: «Фарж рутубати покдир», дейилган (1:3489).

وهذه الطهارة للإفرازات إذا كانت صافية نقية خالية عن لون، بخلاف ما إذا اختلطت بغيرها فتغير لونها فإنها تكون نجسة بالاتفاق، قال خاتمة المحققين ابن عابدين في «حاشيته على الدر المختار» ١: ٣٤٩: «وهذا إذا لم يكن معه دم، ولم يخالط رطوبة الفرج مذبي أو مني من الرجل أو المرأة وأما بالنسبة لنقضها للوضوء، فطالما أنها

طاهرة إن لم يخالطها شيء عند الإمام أبي حنيفة رضي الله عنه، فهي غير ناقضة لل موضوع عنده، وقد صرّح بذلك في الضياء المعنوي شرح مقدمة الغزنوبي ١١٢/١، فقال: «إن أخرجت المرأةقطنة من فرجها بأن حشته بقطنة حتى غيّتها، ثم أخرجتها، وكانتقطنة مبلولة، وقيّد بمبلولة؛ لأنّه لو خرجت غير مبلولة لا ينتقض، وهذا التفصيل قول البعض

Ажралма шаффоф, тиник бўлса, ҳар хил ранглардан холи бўлса, пок ҳисобланади. Бошқа нарса аралашиб, ранги ўзгарса, нажас бўлишига иттифоқ қилинган. Муҳаққиқларнинг хотами Ибн Обидийн ўзининг «Дуррул-мухтор»га ёзган «Хошия»сида шундай деган: «Агар фарж рутубати билан бирга қон бўлмаса, мазий аралашмаган, эркак ёки аёлнинг манийси аралашмаган бўлса, пок бўлади».

Энди таҳоратни кетказишига келсак, имом Абу Ҳанифанинг наздида ҳеч нарса аралашмаган бўлса, пок ҳисобланади, демак, у зотнинг наздида таҳоратни кетказмайди. Бу ҳақда «Зиёул-маънавий шарҳу Муқаддиматил-Ғазнавий»да: «Агар аёл фаржига йўқ бўлиб кетгунича пахта қўйган бўлса, кейин уни олганида пахта ҳўл бўлса» деб, ҳўл бўлиши шарт қилинган, чунки ҳўл бўлиб чиқмаса, таҳорати бузилган бўлмайди» (1:112).

Мана шу баъзиларнинг айтган тафсилотидир.

وهذا ما أفتى به العلامة مصطفى الزرقا رحمه الله كما في فتاواه ص ٩٥، فقال: «سئللت فيما مضى كثيراً عن هذا الموضوع، وكنت أبين شفهياً للسائلين من رجال ونساء أن هذا السائل اللزج الذي يخرج من المرأة في الحالات العادلة ويسميه الناس الطهر ليس بنجس شرعاً، ولا ينقض وضوء المرأة، كما يقرره الفقهاء، ومن السائلين من يستغرب هذا الجواب؛ لأنهم متصررون خلافه، ويتأكد مني فأوكل لهم، كأنما كل ما فيه تيسير وتسامح ودفع للحرج والمشقة».

فحالما سبق:

Аллома Мустафо Зарқо раҳимаҳуллоҳ шунга кўра фатво берган бўлиб, булар фатволарининг 95-саҳифасида келган. У киши айтади: «Бу мавзу ҳақида кўп сўралдим. Эркак ва аёл сўровчиларга: «Оддий ҳолатларда аёл кишидан чиқадиган бу ёпишқоқ суюқлик шаръан покдир, нажас ҳисобланмайди ва фақиҳлар қарор қилганлариdek, у аёлнинг таҳоратини бузмайди», деб оғзаки тушунтирас эдим. Сўровчилар ичида бу жавобга ҳайрон бўладиганлари ҳам бор. Чунки улар бунинг аксини тасаввур қиласидилар. Улар мендан таъкидлаб сўрашади, мен ҳам уларга таъкидлаб айтаманки, бу масалада барча нарса осонлаштириш, кенглик яратиш ва танглик ҳамда мashaққатни даф қилишидир».

أن الإفرازات طاهرة عند الإمام أبي حنيفة رضي الله عنه إن كانت صافية، وهي غير ناقضة لل موضوع على المعتمد للفتووى.

وعند غيرهم من الفقهاء كما في الموسوعة الفقهية ٣٢: ٨٥: «أنه ذهب جمهور الفقهاء إلى نجاسة رطوبة الفرج الخارجة من باطنه؛ لأنها حينئذ رطوبة داخلية، أما الخارجة من ظاهر الفرج، وهو ما يجب غسله في الغسل والاستنجاء فهي ظاهرة. وذهب أبو حنيفة والحنابلة: إلى طهارة رطوبة الفرج مطلقاً

Ўтган солиҳларнинг хуносаси шуки, имом Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ-нинг наздида ажралмалар пок бўлиб, агар соф бўлса, фатводаги суянилган қавлга кўра, таҳоратни бузмайди.

Бошқа фақиҳлар ҳам шундай дейишган. «Мавсуъатул-фиқхийя»да (32:85) шундай дейилган: «Жумхур фуқаҳолар фаржнинг ичидан чиққан рутубатни нажас дейишган, чунки у ички рутубатdir. Аммо ташқи рутубат фаржнинг зоҳири ҳисобланади, у ер ғусл ва истинжода ювиш вожиб бўлган жой бўлиб, покдир. Абу Ҳанифа ва ҳанбалий мазҳаби уламолари эса фаржнинг рутубатини мутлақо пок дейишган».

**"Анваарул уламаа"**  
номидаги ҳанафийлар  
маркази фатвоси



# София

## БИНТИ ҲУЯЙ

София бинти Ҳуяй розияллоҳу анҳо оталари Ҳуяй ибн Ахтобнинг насаби Ҳорун алайҳиссаломга бориб тақалади. У кишининг оналари Барра бинти Самуал ҳам Бану Назир

яхудийларининг катта оиласидан эди.

София оиласининг эрка фарзанди бўлиб ўси. Бу ҳақда ва у кишининг Расуллурроҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақларида би-

ринчи эшитган нарсалари тўғрисида Ибн Исҳоқ «Сийрат» китобида София бинти Ҳуяй розияллоҳу анҳодан қўйидаги ривоятни келтирадилар:

«Мен отамнинг энг маҳбуб боласи эдим. Амаким Абу Ясирга ҳам худди шундоқ эдим. Мен уларга бошқа болалари билан бирга йўлиқсам, албатта, бошқани қўйиб, мени олар эдилар. Расуллурроҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинага келиб, Қубодаги Амр ибн Авфникига тушгандарида отам Ҳуяй ибн Ахтоб ва амаким у зотнинг олдиларига бориши. Улар қуёш ботганда қайтиб келишди. Иккови жуда ҳам чарчаган, тарвузи қўлтиғидан тушган ҳолда зўрға келишди. Мен одатдагидек уларнинг қаршисига эркаланиб чиқдим. Аллоҳга қасамки, икковидан бири ҳам менга илтифот қилиб қўймади. Уларни ғам босган эди. Мен амаким Абу Ясирнинг отам Ҳуяй ибн Ахтобга:

«Бу ўшами ўзи?» деганини эшитдим.

«Ҳа, Аллоҳга қасам», деди у.

«Таниб, аниқладингми ўзи?» деди.

«Ҳа», деди у.

«Сенда у ҳақда нима бор?» деди.

«Адоват! Аллоҳга қасам, модомики бор эканман!» деди у.

София бинти Ҳуяй Расуллурроҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга адовати ана

шундоқ қаттиқ бўлган оиласда ўсдилар.

Уларнинг оиласи Хайбар деган жойда истиқомат қиласлар эди. София бинти Ҳуяй вояга етганларида Салом ибн Мишкам ал-Қаразий деган кишига турмушга чиққан эдилар. У билан ажрашганларидан кейин эса Кинона ибн Робийъга никоҳланган эдилар.

\*\*\*

Хайбар Мадинаи Мунавварадан етмиш милча узоқликдаги жой бўлиб, яхудийлар у жойни босиб олишган эди. Ислом зоҳир бўлгандан кейин мусулмонларга хиёнат қилган яхудийлар ҳам қочиб келиб, шу ерга жойлашишган эди.

Мусулмонлар Хайбар қўрғонларини бир неча кунлаб давом этган кучли қамал ва шиддатли урушлардан кейин бирин-кетин фатҳ қилишиди.

\*\*\*

Хайбарда асирга тушган аёллар ичida яхудийлар бошлиғининг қизи София бинти Ҳуяй ҳам бор эдилар. Ўша вақтдаги таомилга қўра урушда асир тушган эркак-аёллар уруш қатнашчиларига мулк сифатида тақсимлаб берилар эди. Урушда София бинти Ҳуяй розияллоҳу анҳонинг отаси ва бошқа қариндошлари ҳалок бўлган эди. Эри Кинона ибн Робийъ хиёнати учун қатл қилинган эди. Ўзи эса бошқалар билан бирга асир тушди.

Асиrlарни жамлаб бўлингандан кейин саҳобийлардан Диҳятул Калбий розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб:

«Эй Набийаллоҳ, менга асиralардан бир жория беринг», деди.

«Бориб, бир жорияни олавер», дедилар у зот.

У бориб, София бинти Ҳуяйни олди.

Бошқа бир мусулмон одам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб:

«Эй Набийаллоҳ, Диҳяга Қурайза ва Бану Назирнинг саййидаси София бинти Ҳуяйни бердингиз. У сиздан бошқага лойик эмас», деди.

Ана ўшанда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам душман қавм бошлиғининг қизи асирга тушганидан хабардор бўлдилар ва унга ўзига яраша муомала қилишни бошладилар. Диҳятул Калбий розияллоҳу анҳуга етти орос пул бериб, София бинти Ҳуяйни сотиб олдилар ва бошқа бир жорияни олишни тавсия қилдилар.

Ўзлари эса София бинти Ҳуяйни Умму Сулайм розияллоҳу анҳога топшириб, унга қараб туришни тайинладилар.

\*\*\*

Ибн Саъд раҳматуллоҳи алайҳи «Тобақот»да келтирдилар:

«София Набий соллал-

лоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига кирганда у зот унга:

«Отанг Аллоҳ уни қатл қилгунча менга яхудийларнинг энг ашаддий адоватлиси бўлди», дедилар.

«Эй Аллоҳнинг Расули, Аллоҳ Ўз китобида, бироннинг гуноҳини бирор кўтармайди, деган», деди у.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга:

«Сен ўзинг ихтиёр қил. Агар Исломни ихтиёр қилсанг, сени ўзим учун олиб қоламан. Агар яхудийларни ихтиёр қилсанг, озод қиламан, бориб қавмингга қўшилиб оласан», дедилар.

«Эй Аллоҳнинг Расули, сиз мени даъват қилишингиздан олдин мен Исломни ёқтирганман ва сизни тасдиқ қилганман. Яхудийларда менинг ҳожатим ҳам, отам ҳам, акам ҳам йўқ. Сиз менга куфр ва Исломдан бирини танлаш ихтиёрини бердингиз. Аллоҳ ва Унинг Расули мен учун озодлик ва қавмимга қайтишдан кўра маҳбубороқдир», деди.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам София бинти Ҳуяй розияллоҳу анҳонинг озод қилинишларини маҳр этдилар. Шундай қилиб чўрини озод қилиш маҳр ўрнига ўтиши шариат ҳукми бўлиб қолди.

София бинти Ҳуяй розияллоҳу анҳонинг бунчалик даражага боришларига бошқа бир сабаб ҳам бор эди. Бу сабаб ҳақида Тобарий ва бошқа тарих-

чилар қуидаги ривоятни келтирадилар:

«У Кинона ибн Робийъга келин бўлиб тушганда уйқусида туш кўрибди. Ясриб томондан бир ой келиб унинг қўйнига кирибди. Бутушни эшитган Кинона:

«Бу сенинг Ҳижознинг подшоҳи Мұхаммадни орзу қилишингдан бошқа нарса эмас!» деб бақирди ва унга тарсаки туширди. Ўша тарсакининг изи кейин ҳам қолди».

Бу ҳол ҳам Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг София бинти Ҳуяй розияллоҳу анҳога уйланишлари оддий ҳолат эмаслигидан дарак беради. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳар бир ишлари илоҳий ҳикматга боғлиқ бўлганидек, у зотнинг София бинти Ҳуяй розияллоҳу анҳо билан бўлган алоқалари ҳам шундай ҳикматга оид эди.

\*\*\*

София бинти Ҳуяй розияллоҳу анҳо иддалари чиққунча Умму Сулайм розияллоҳу анҳонинг қарамоғида турдилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам у кишининг иддалари чиққунча Хайбардан қайтмадилар. Бу иш ҳам ҳикматдан холи бўлмаган эди.

Кейин нима бўлганини Ибн Саъд раҳматуллоҳи алайҳи «Тобақот»да қуидагича келтирадилар:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у ҳайз-

дан пок бўлмагунча Хайбардан чиқмадилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Хайбардан чиққанларида унинг олдига кирмаган эдилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга чиқишлиари учун таяни яқинлаштирилганда, у зот оёқларини Софияга тўғрилаб турдилар. У зотнинг сонларига оёғини қўйиб таяга миниши керак эди. У бундан, у зотни улуғлаб, бош тортди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сонларига тиззасини қўйиб туриб чиқди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни тўсиб турдилар ва орқаларига миндирдилар. У зот ўзиридан юзини тўсадиган қилиб ёпиб қўйдилар. Сўнгра оёғининг остидан ўтказиб тортиб, боғлаб қўйдилар. У зот уни ўз аёллари манзиласига қўйдилар.

Умму Синан Асламия айтади:

«Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг София билан тўйларида бўлганлардан бири эдим. Бас, биз уни ювиб тарафидик ва атиргадик. Узийнатланса, ёришиб кетадиган аёллардан эди. Мен ўша кунгидек хушбўй атиргани топмадим. Биз Расул ўз аҳлига кирмоқда, дейилгунча ҳеч нарсани сезмабмиз.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у томон юриб келган эдилар, у ўрнидан туриб кутиб олди.

Биз унга шундоқ қилишни буюрган эдик. Биз икковларининг олдиларидан чиқиб кетдик. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўша ерда ётиб қолдилар...».

Ўшанда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам София бинти Ҳуяй онамиз розияллоҳу анҳодан нима учун биринчи марта бош тортганликлари ҳақида сўраганларида, «Яҳудийлар яқин жойда бўлганлари учун сизга бирор нарса қилишмасин деб қўрқдим», дедилар. Бу гап ҳам Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг у кишига бўлган ихлосларини ортирган.

\*\*\*

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг яхудийлар бошлиғининг қизига уйланганлари хабари ҳамма тарафга тарқалган эди. Бу ишдан дўстлар хурсанд бўлишди ва душманлар ҳасратманд бўлишди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аёллари эса ўзига яраша rashk қилишди.

Ибн Саъд раҳматуллоҳи алайҳи қилган ривоятда Ато ибн Ясор розияллоҳу анҳу қуидагиларни айтади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам София билан Хайбардан келганларида уни Хориса ибн Нўймоннинг уйларидан бир уйга туширдилар. Ансорларнинг аёллари унинг

ҳақида ва жамоли ҳақида эшитиб, унга назар солиш учун кела бошлишди. Оиша онамиз розияллоху анҳо ҳам ниқобланган ҳолда келиб, унинг олдига кирди. У зот уни танидилар. У ташқарига чиққанида Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам ортидан чиқдилар ва:

«У қандоқ экан, эй Оиша?» дедилар.

«Бир яхудия экан!» деди у.

«Ундей дема, эй Оиша! У Исломга кирди ва Исломигўзал бўлди», дедилар у зот.

\*\*\*

София бинти Ҳуяй онамизда барча камолот сифатлари бор эди. У киши Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг завжай мутоҳҳаралари ўлароқ у зотдан кўп нарсаларни ўрганган, ўрнак олган эдилар. Биз у кишининг уламоларимиз томонидан ривоят қилинган баъзи бир алоҳида таъкидлаш лозим бўлган сифатлари ҳақида қисқагина сўз юритамиз.

София бинти Ҳуяй онамиз розияллоҳу анҳонинг ҳалимлеклари ҳақида Ибн Абдул Барр раҳматуллоҳи алайҳи қўйидаги ривоятни келтирадилар:

«Софиянинг бир жорияси унинг шанбани яхши кўриши, яхудийларга яхшилик қилиши ҳақида гап тарқатди. Умар одам юбориб, бу ҳақда сўради. София бинти Ҳуяй онамиз:

«Аммо шанбага келсак, Аллоҳ менга унинг ўрнига жумани берганидан буён уни яхши кўрганим йўқ. Яхудийларга келсак, уларнинг ичида қариндошларим бор. Мен ўшаларга силаи раҳм қиласман», деди.

Сўнгра жорияга:

«Қилган ишингга сени нима мажбур қилди?» деди.

«Шайтон», деди жория.

София бинти Ҳуяй онамиз оҳисталик билан:

«Бор, кетавер. Сен озодсан», деди».

Бундан ортиқ ҳалимлик бўлиши мумкинми?

\*\*\*

София бинти Ҳуяй онамиз илмга ҳарис зот эдилар. У киши Қуръони Каrimни кўп ўқиб ўрганар эдилар. София бинти Ҳуяй онамиз Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ўнта ҳадис ривоят қиласланлар.

Баъзи кишилар София бинти Ҳуяй онамизнинг афзаллеклари рўйхатини ҳам тузишган:

1. У киши Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ва Исломни ўз қавмлари ва динларига қайтишдан устун кўрганлар.

2. Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сонларига оёқларини қўймай, юксак одоб намунасини кўрсатганлар.

3. Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг озор етишидан қўрқиб,

яхудийларга яқин жойда тўйлари бўлишидан боштортиб, у зотга ўз ихлосларини намоён қиласланлар.

4. Фитначиларга қарши туриб, Усмон розияллоҳу анҳуга ёрдам бергандар.

5. Сахийлик қилиб, Фотима розияллоҳу анҳога ва бошқа аёлларга тиллаларини бўлиб бергандар.

6. Ўзлари ҳақида ҳазрати Умар розияллоҳу анҳуга чақимчилик қиласлан жорияни озод қиласланлар.

7. Исломлари маҳрлари бўлган.

София бинти Ҳуяй онамиз розияллоҳу анҳо ҳижрий эллигинчи санада Мадинаи Мунавварада вафот этдилар. У киши Бақийъ қабристонига, мўминларнинг бошқа оналари ёнига дафн қилиндилар.

София бинти Ҳуяй онамиз розияллоҳу анҳонинг вафотлари ҳақидаги хабар Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳуга етганда бомдод намозидан кейинги вақт бўлишига қарамай, у киши саждага йиқилдилар. У кишига:

«Шу вақтда ҳам сажда қиласанми?» дейишди.

«Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қачон бир оятни кўрсангиз, сажда қилинглар», деган эмасмилар? Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг завжаларининг ўлимидан ортиқ оят борми?!» дедилар.

Аллоҳ таоло София бинти Ҳуяй онамиз розияллоҳу анҳодан рози бўлсин.



**Үғлим!  
Интернет катта  
бозорга ўхшайди.  
У ерда ҳеч ким  
молини текинга  
тарқатмайди**

Интернет замонида ҳаким зотнинг  
үғлига қилган тиллага teng тавсиялари:

– Үғлим! Google, Facebook, Twitter, WhatsApp, Telegram, Instagram ва барча ижтимоий тармоқлар бамисоли тубсиз дөнгиздир. Унда қанчадан қанча кишиларнинг ахлоқлари ғарқ бўлган, ақллари чўккан.

Уларнинг ичидаги йигитлар ҳам, қариялар ҳам бор...

Тўлқинлари ифратли

қизларнинг ҳаёсини ютиб юборган...

У жуда кўп халойиқни ҳалок қилган.

Унга шўнғиб кетишдан огоҳ бўл. Интернетда гўёки асалари каби бўл, аввало ўзингга, кейин ўзгаларга фойда келтиришинг учун саҳифаларнинг энг покизасини зиёрат қил.

Үғлим! Паشا каби гул-

га ҳам, гўнгга ҳам қўниб, ўзинг билмаган ҳолда ка-салликларни ташима...

Үғлим! Интернет катта бозорга ўхшайди. У ерда ҳеч ким молини текинга тарқатмайди. Ҳамма муқобилига бирор нарса хоҳлади.

Кимдир молининг муқобилига одоб-ахлоқни олмоқчи бўлади...

Кимдир шубҳали фикрларини тарқатмоқчи бўлади...

Яна кимдир шуҳрат қозонгиси келади...

Яна кимдир жамиятни ислоҳ қилмоқчи бўлади...

Молни яхшилаб текширмагунингча сотиб олма.

Үғлим! Миш-мишларни ва бўлмағур латифаларни тарқатишдан, ҳаром нарсаларни кўчириб ёйишдан ҳазир бўл.

Билгин, сен бу яхши ва ёмон нарсалар билан тижорат қилмоқдасан. Товарингни бирорга таклиф қилишингдан олдин покизасини танлаб ол, чунки мижоз сендан маслаҳат сўраб ўтирмаиди, сотиб ола-веради.

Ўғлим! Бирор нарса остига фикр ёзиб қолдиromoқчи бўлсанг, яхшилаб ўйла, бу гапларинг Аллоҳни рози қиласими, йўқми?!

Ўғлим! Кўзинг билан кўрмаган инсон билан дўст тутинма.

Одамларга ёзган нарсалари орқали ҳукм чиқарма... чунки уларнинг

қип-қизил жоҳил... гўзаллар бадбашара... сахийлар зиқна... жасурлар кўрқоқ... Аллоҳ раҳматига олганигина мустасно. Сен ҳам Аллоҳ раҳматига олганлар сафида бўл.

Ўғлим! Ўзларига сохта исм қўйиб оладиганлардан эҳтиёт бўл. Чунки улар ўзларига ишонмайдилар. Ўзига ишонмаганга сен ҳам ишонма.

Сен ҳам бирорнинг исмини қўйиб олма, чунки Аллоҳ сирни ҳам, ундан-да маҳфийроғини ҳам билиб туради.

Ўғлим! Сенга озор берганга озор берма. Сен

ни саралаб ол... сен ёзасан фаришталар ҳам ёзишади. Аллоҳ барчани кузатиб, ҳисоб-китоб қилиб туради.

Ўғлим! Даҳшатли интернет дengизида сен учун энг кўрқадиган нарсам ҳаром, фиску фужур, беҳаё нарсаларни томоша қилишингdir. Агар ушбу ҳаром нарсалардан четлаб ўта олсанг, интернетдан ўзингнинг манфаатинг учун фойдалан, жамиятинг билан мулоқот қил, динингни ёйишга ҳаракат қил. Агар ҳаром нарсалар гирдобида қолганингни кўрсанг, интернет дунёсидан йиртқич ҳайвондан қочганингдек қоч, чунки қиёматда дўзах борадиган жойингга, ҳақ-хуқуқини топтаган инсонларинг хасминнга айланшиди.

Ўғлим! Шайтоннинг қармоғига ғафлатда қолгандар, шахватга берилганлар илинади. Бу иккиси интернетнинг устунларидан ҳисобланади.

Интернет ғафлатинг учун эмас, хизматинг учун яралган. Сен уни икки дунё манфаатинг учун ишлат, у билан келажагингни қур, сени бузиб, ер билан яксон қилишига йўл қўйма! Охиратда сенинг фойданнга ҳужжат бўладиган қил, зиёningга ҳужжат қилма!

Аллоҳ барчамизни тўғри йўлидан адаштирмасин. Амин!

**Муҳаммад Али  
Муҳаммад Юсуф**

исмлари ясама, суратлари соҳта, ахлоқлари безалган, сўзлари ёқимли, юзларида ниқоб, ростлари ёлғон бўлиши мумкин...

Қанчадан-қанча олимликни даъво қилганлар

ўзингнинг, у ўзининг ахлоқини намойиш қиласди. Сен бу ишинг билан ўз ахлоқингни кўрсат, унинг ахлоқини эмас... қозон ичидаги нарсаси билан тошади.

Ўғлим! Ёзаётган нарсанг-



## Бизлар дунёни гапхонага, чойхонага эмас, китобхонага, илмхонага айлантирган уммат эдик...

Мавлоно Румийнинг (хотирамга тошга ўйган-дек ёзиб қўйганим) бир гаплари бор: «Оқил одам еган муштининг соҳиби-ни эмас, сабабини қидиради».

Сиз ҳам бошимизга тушаётган савдоларнинг сабабини таҳлил қилиб кўрган бўлишингиз керак. Менинг назаримда, тилимизни тишлаб қолишишимизга сабаб бўлаётган апперкот зарбаларнинг бош сабаби – ҳайбатимизни йўқотганимиздир. Мўминлик ҳайбатимиз деярли қолмади ҳисоб.


Ўзимизни иккинчи сорт одамдек ҳис қилишни одатга айлантиридик.

Аллоҳнинг амрларини бажараётганимиз учун қисинамиз-қимти намиз, ҳақ сўзни айтишга ботинолмаймиз.

Елкамизга санчилган пичоқни бир-икки сантим орқага тортсалар, буни бир лутф деб билиб, севинамиз.

Ҳақни айтиб балога қолган мўмин қардошимизнинг ёнини олмаслигимиз мумкин, аммо ҳалол-ҳаромни фарқламайдиган пулдор бир бойнинг ҳар гапини тавозе ила маъқуллаймиз.

Ҳеч нарсага аралашмай, бир четда юришни касбга айлантириб олдик. Эдмунд



Бёркнинг бир гапи бор: «Жаҳолат тантана қилиши учун яхши одамларнинг ҳеч нарса қилмасликлари кифоя», дейди у.

Яна шу ҳолимизда, асҳоби киром билан Жаннатларда жамланишни орзу қиласиз. Ўзини билиб, жимгина, уй ичида Қуръон ўқиб, фақат ўз болаларига насиҳат қилиб, «Алҳамдулиллаҳ, мусулмонмиз. Бир кишилик амал қилиб олсак ҳам катта гап. Қўлимиздан нимаям келарди», дейа бўйин қисиб юрган саҳоба ҳақида ким эшитган?! Асҳоби киром: «Санинг домланг унақа деди, мани домлам бунақа деган», «Санинг устозинг ноҳақ, мани устозим ҳақ», «Сан

фалонийлардансан, ман писмадонийларданман» дейа майдалашиб, бир-бирининг ҳар айтган сўзини ижикилаб текширганми?! Фитна бу!

Оёғимиз остида ер силкиниб, ёрилиб ютвараман деб турибди, биз бир-биrimiz билан гап талашиб ётибмиз. Энг ёмони, болаларимизни ҳам ўзимизга ўхшатиб тарбияляпмиз.

Бизлар ўз наздимизда Жанната labmiz. Малаклар наздида-чи? Уларнинг наздида балки ислоҳта labdirmiz, балки таъмирталаб...

Аввал ўзимизни ислоҳ қилайлик, нотўғри программада ишлаётган миямизни таъмирлайлик, букчаяверганимиздан буқрига ўхшаб кетган қаддимизни тиклайлик, сўқирлашган кўзларимизни очайлик, йўқотган йўлимизни топиб олайлик... Ўзимизни ўзгартирмагунимизча, аҳволимиз ўнгланмайди. Зотан, бизлар дунёни гапхонага, чойхонага эмас, китобхонага, илмхонага айлантирган уммат эдик; малаклар билан бўйлашган уммат эдик; мадад учун кўклардан фаришталар индирилган уммат эдик.

Эндиғи ҳолимизга боқинг...

Дилфузза Комил



## Фарзандларни гапга күндириш учун қандай гапирган маъқул?

Биз ота-оналарни қийнайдиган кунлик масалалардан бири – фарзандларимизнинг жамиятда, оиласда, атрофдагилар билан бўладиган муносабатларда ўзларини рисоладагидай тутишлари билан боғлиқ муаммолардир. Баъзан бу жудаям оғир масалага айланиб кетади. Ушбу муаммоларнинг бир қисми бизнинг талабларимиз билан боғлиқ. Яъни, катталарнинг талаблари – тозаликка риоя қилиш, вазифалар, хушмуомалалик, кун тартибига риоя қилиш

ва ҳоказо. Болаларнинг қанчаси ҳам бу талабларни ўз ихтиёлари билан баъзарадилар?! Ота-оналарнинг эса қанча қувватлари болаларининг ижтимоий нормаларга одатлантиришга сарфланади...

Шундай вақтлар бўладики, ўз фарзандларимиз бизни худди «душман-дек» кўрадилар. «Қўлингни юв... кийимларингни йиғиштир... дарсингни қилдингми?.. ростданам тишингни ювдингми?.. кийимингни алмаштиришга ётинглар... ух-

ланглар...» каби уларни хоҳламаган ишларига тинимсиз мажбурлаймизда!.. Яна улар хоҳлаган ишларига ҳам йўл қўймаймиз: «Қўлинг билан ема... тақирлатмай ўтириш... тортишма... кроватдан сакрама... бурнингни ковлама...» Бундай пайтда болалар: «Нима хоҳласам қиласман», ота-оналар эса: «Мен айтгандай қил!» кайфиятида бўладилар. Ўйлаб кўринг, бундай ҳолат куни билан неча марта рўй беради? Бундай муаммоларнинг ечими бормикин?

Фарзандимиз билан бўладиган мулоқотда у бажариши керак бўлган ишни унга тўғри оҳангда, керакли ибора билан ифодалаб беришимиз жуда ҳам аҳамиятли.

Фарзандларимиз билан бўладиган ўзаро муносабатлардаги айрим муаммоли ҳолатларни кўз олдимизга келтириб кўрайлик... Келинг, аввало бундай ҳолларда ота-оналар кўпинча қўллайдиган усусларни келтириб ўтайлик. Шу билан бирга, ўзимизни бола ўрнига қўйиб, ушбу ҳолатларга жавобларимизни ҳам кўриб чиқайлик. Имкони бўлса ёзиб кўрайлик. Қуйидагиларни бирор киши ўқиб турса, кўзингизни юмиб жавоб берсангиз, янада яхши.

1. Айлаш (ва маҳкум қилиш).

«Яна қўлларингнинг изи эшикда турибди! Нега доим шундай қиласан?! Нима бўлган ўзи сенга? Қачондир, ниманидир тўғ-

ри бажара оласанми, ўзи? Неча марта айтиш керак, эшикни тутқицидан ушла, деб?! Ҳеч қачон қулоқ солмайсан!!!»

Бола сифатида ҳиссиётингиз:

#### 2. Урушиш.

«Кўчада ҳаво ҳарорати 0° дан паст, сен эса енгил кийиниб олгансан! Қанақа аҳмоқлик?!», «Кел, ўзим тузатиб бераман велосипедингни! Техникани тушумаслигингни жуда яхши биласан-ку!», «Қара, қандай еяпсан?! Кўнгилни оздирди!», «Бу қанақа исқиртлик? Уйгаям шунақа ифлос нарсани олиб кирадими?! Ҳудди ҳайвонга ўхшайсан!»

Бола сифатида ҳиссиётингиз:

#### 3. Таҳдид, дўқ-пўписа.

«Яна бир марта шу лампага тегсанг, шапалоқ ейсан!», «Бир минутдан кейин оғзингдаги сақични ташламасанг, ўзим оғзингни очиб, чиқариб ташлайман!», «Учгача санайман, кийиниб бўлмасанг, уйда қоласан!»

Бола сифатида ҳиссиётингиз:

#### 4. Буйруқлар.

«Ҳозироқ хонангга чиқ!», «Тез мана бу пакетларни чиқариб ташла!», «Ахлат белакни ҳали бўшатмадингми?! Тез бўл! Нимани кутяпсан?!»

Бола сифатида ҳиссиётингиз:

#### 5. Насиҳат ва тушкунликка тушириш.

«Китобни қўлимдан мана шундай тортиб олиш тўғри деб ўйлайсанми? Яхши хулқ-атворли бўлиш

қанчалик муҳимлигини ҳали-бери тушунмайдиган кўринасан. Бошқалар бизга яхши муомала қилишларини хоҳласак, биз ҳам уларга одоб билан муомала қилишимиз кераклигини тушуниб ол. Сендан ниманидир тортиб олишларини хоҳламасанг керак?! Үнда ўзинг ҳам бошқадан тортиб олма. Биз бошқалар бизга қандай муомала қилишларини кутсак, шундай бўлишимиз керак».

Бола сифатида ҳиссиётингиз:

#### 6. Огоҳлантириш.

«Қара! Куссан!», «Эҳтиёт бўл! Машинани тагида қоласан!», «Үёққа чиқма! Йиқилишни хоҳлаяпсанми?!», «Иссиқ кийинмингни кий, бўлмаса шамоллайсан!»

Бола сифатида ҳиссиётларингиз:

#### 7. Чарчоқли нолишлар.

«Иккаланг ҳам бўлди қил! Қачонгача асабимни бузмоқчисанлар?! Касал бўлишимни хоҳлаяпсизларми?! Инфаркт бўлишимни истайсизларми?!», «Ҳали қараб туринглар, ўзларинг болали бўлганда биласизлар, одамнинг ғазаби, аччиғи чиқиши нима эканлигини?!», «Мана бу оқ соchlарни кўряпсанларми?! Ҳаммаси сенларни деб! Сенлар ажалимдан беш кун олдин ўлдирасанлар мени!..»

Бола сифатида ҳиссиётларингиз:

8. Солиштириш. «Нега акангга ўхшамайсан?! У доим ишини ўз вақтидан аввал бажариб қўяди!»,

«Малика ўзини дастурхонда жуда яхши тутади. Ҳеч ҳам овқатни тўкиб еганини кўрмайман», «Нега Усмонга ўхшаб кийинмайсан? Доим соchlари тартибли, кўйлак, шимлари чиройли туради. Кўриб, кўзинг қувнайди!»

Бола сифатида ҳиссиётингиз:

9. Истеҳзо, киноя. «Эртага тест эканлигини билиб туриб, китобингни мактабда қолдириб келдингми?! Жуда ажойиб!», «Шу катакли кўйлагингни киймоқчимисан?! Бугун роса хушомад қилишар эканда!», «Шу уй ишини эртага мактабингга олиб бориб ўқитувчига кўрсатмоқчимисан? Балки ўқитувчинг «хитойча» ўқиши билар, лекин мен билмайман...»

Бола сифатида ҳиссиётингиз:

10. «Башорат» қилиш. Баҳоларингни бошқача айтиб, мени алдадинг-а? Биласанми, катта бўлганингда нима бўлади? Ҳеч ким сенга ишонмайди!», «Худбин бўлишда давом эт. Кўрасан, ҳечким сен билан ўйнашни хоҳламайди. Ҳеч қачон дўстларинг бўлмайди», «Доим нолийсан. Ўзингга ўзинг ёрдам беришга бирор марта ҳам уриниб кўрмайсан. 10 йилдан кейин ҳам ҳудди шундай нолиб юраверасан...».

Бола сифатида ҳиссиётингиз: энди бу ҳолатларга бола кўзи билан қараб, ҳис қилиб кўрган бўлсан-

гиз, бошқаларнинг ҳам бу ҳақдаги ёзғанларини ўқиш қизиқ бўлса керак? Қизифи, ҳар хил инсонлар ўз таас-суротларини турли ифодалаган бўлсалар ҳам, мазмунни деярли бир хил.

Марҳамат, баъзилари билан танишинг: 1. Айблаш. «...эшик мендан муҳимроқ», «яххиси, «мен қилмадим», деб алдайман», «мен аҳмоқман, юзимни буриштираман, уришиб ташлагим келяпти», «ҳеч қачон қулоқ солмайсан дедингиз-а?! Худди шундай, энди қулоқ солмайман!»

2. Урушиш. «У ҳақ. Мен аҳмоқман. Техникани умуман тушунмайман», «Нега энди синаб кўриш ҳам мумкин эмас?!», «Ҳали курсатиб қўяман! Келаси сафар шу курткани ҳам киймайман!», «Чидаб бўлмайди! Яна ўзиникини бошлади!»

3. Таҳдид, дўқ-пўписа. «Йиғлагим келяпти», «Қўрқинчли!», «Мени тинч қўйинг!»

4. Буйруқлар. «Қани, мажбурлаб кўринг-чи!», «Қўрқяпман...», «Ҳеч қаёқ-қа боришни истамайман!» «Унинг шу характеристидан нафратланаман!», «Нима қилсамам, доим ўзимга ёмон бўлади!»

5. Насиҳат, тушқунликка тушириш. «Гапиринг, гапиринг!», «Кимдир уни эшитаётгандай!», «Мен аҳмоқман!», «Мен ҳеч нимага ярамайман... Ҳеч ким бўлолмайман!» «Кетгим келяпти...», «Зерикарли, зе-рикарли, зерикарли».

6. Огоҳлантириш. «Ҳаёт қўрқинчли ва хавфли», «Қачон буни ўзим қила оламан?! Нима қилсам ҳам, фақат ёмон!»

7. Нолишлар. «Айборман...», «Мени деб касал бўлиб қолса-я?», «Наҳотки, шуни хоҳлайди деб ўйласа?!

8. Солиштириш. «У ҳаммани мендан кўра яхши кўради!», «Маликадан нафратланаман!» «Омадсизман!»

9. Истеҳзо. «Устимдан кулишларини ёмон кўраман!», «Уёмон аёл!», «Мени ерга уришди...», «Нима кераги бор?!», «Нима қилсам ҳам ёқмайди?...», «Ғазабим қайнайпти...»

10. Башорат. «У ҳақ. Мен ҳеч қачон эслолмайман», «Менга ҳам ишониш мумкин. Ноҳақ эканини кўрсатиб қўяман ҳали!», «Бу гаплар бефойда!», «Тан оламан».

Биз қофоздаги ёзилганларнигина ўқиб, шундай хуносаларга келган бўлсақ, болалар бу ҳолатларни қандай ҳис қилишар экан-а? Бундан бошқача муомала қилиш йўллари ҳам борми? Ўзаро муносабатларда бола руҳиятини зўриқтирмай, уни ёмон туйғуларга кўмиб қўймай, келишиш учун бошқа чоралар бормикин? Турли асаббузарликларсиз, осон кўниши мумкин бўлган қандайдир усувлар мавжудми? Қуйида болалар психологияси бўйича бир қанча муваффақиятли тренинглар ўtkазиб, етарлича

тажрибаларга эга бўлган Адел Фабер ва Элейн Мазлишларнинг айрим тавсиялари билан танишамиз.

Ўзаро келишувга эришиш учун:

1. Қўраётган ҳолат ёки муаммони тўғри ифодаланг. Масалан, «Китоблар сочилиб ётибди».

2. Ҳолат ҳақида хабар беринг. Масалан, «Китобларинг жойида ёйилганича қолиб кетибди».

3. Бир сўз билан айтинг. Масалан, «Сайд, китобларинг!»

4. Ўзингизнинг ҳиссиётларингиз ҳақида айтинг. Масалан, «Китобларнинг бундай ёйилиб ётиши менга ёқмаяпти (ёки ҳалақит беряпти)».

5. Эслатма ёзиб қўйинг. Масалан, «Сайд, ўғлим китобларингни йиғиштириб қўй!»

Энди сиз ёмон ҳиссиётлар қолдирмайдиган ўзаро келишув учун 5 та қоидани билиб олдингиз. Фарзандларингиздан холи вақтда ушбу 5 та қоида ҳақида ўйлаб, тажриба қилиб кўринг. Ҳаммаси ҳам исталган болада самара бермаслиги мумкин. Бу 5 кўникманинг барчаси бирдан сизга тўғри келади, ҳар доим «иш беради», деб ҳам бўлмайди. Лекин бу 5 кўникма ўзаро муносабатларга руҳ берувчи ҳурмат мұхитини яратади.

**Оиша  
тайёрлади**

# Ким чиройли?

Бойлик ва Камбағаллик бир кишининг олдига келиб, уни саволга тутишди:

– Айт-чи, қайси биримиз чиройлироқмиз?

Одам жавоб беришдан чўчили. Хаёлидан шундай ўй ўтди: “Камбағаллик чиройли, дейдиган бўлсам, Бойлик хафа бўлиб кетиб қолиши мумкин. Бойлик чиройли, дейдиган бўлсам, Камбағалликнинг ғаши келади ва мендан ўч олади. Нима қилсан экан?”

У бироз ўйлагач, йўлини топди ва деди:

– Бирга турсаларинг, аниқ бир фикр айттолмайман. Юриб туринглар.

Бойлик ва Камбағаллик у ёқ-бу ёқса бориб кела бошлиди. Ҳалиги киши уларга қараб туриб деди:

– Камбағаллик, сен кетаётганингда чиройли кўринар экансан. Сен эса, Бойлик, келаётганингда одамга жуда хуш ёқар экансан.

*Ориф Толиб  
тайёрлади*



# Житти болакайни Улкан юраги



**К**асалхонага автомобил ҳалокатига учраган қизалоқни олиб келишди. Үнга қон қүйиш керак эди. Бахтга қарши, унинг қони камёб қон гурухига мансуб экан. Күп ўтмай шифохонага қизалоқнинг ота-онаси ва эгизак акаси етиб келди. Хайрият, эгизак акасининг қони унга тушар экан.

— Бу ҳаёт-мамот масаласи, ўғлим. Синглингни қутқариш учун қон беришинг

керак, — деб тушунтири дўхтир.

Болакай бир лаҳза ўйланаб турди-да, ота-онасинг олдига чопиб кетди. Уларга нималардир деди, хайрлашди, чоғи. Сўнг шифокор ҳузурига йўл олди. Қон олиб бўлингач, дўхтир унга:

— Энди бироз ётиб, дам олишинг керак. Бўлмаса бошинг айланиши мумкин, — деди.

Бу гапдан бола негадир

ҳайратга тушди. Мунчоқ қўзларини шифокорга тикиб:

— Қандай қилиб?! Мен ўлмайманми? — деб сўради.

У қон беришга рози бўлган пайти “мен ўлсам, синглим тирик қолади” деган хаёлга борган экан. Улкан юракли бу болакай синглиси учун жон беришга чиндан ҳам тайёр эди...

*Ориф Толиб  
тайёrlади*



# ЭНГ КАТТА БОЙЛИК

Ота-оналар фарзандтарбиялашда катта масъулият эгаларидирлар. Ҳар бир фарзанд аслида соф фитрат (табиат)да туғилағы ва ота-оналарнинг бош вазифаси фарзандининг мана шу асл фитратига зарар етказмай, соғлигини сақлаб, асраб-авайлаб улғайтириш ҳисобланади. Бу эса жуда катта күч, вақт ва сабр-тоқат талаб қиласади.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда айтади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا قُوْا أَنفُسَكُمْ وَأَهْلِيْكُمْ  
نَارًا وَقُوْدُهَا النَّاسُ وَالْحِجَارَةُ عَلَيْهَا  
مَلَائِكَةٌ غِلَاظٌ شَدَادٌ لَا يَعْصُونَ اللَّهَ مَا  
أَمْرَهُمْ وَيَنْعَلُونَ مَا يُؤْمِرُونَ

«Эй иймон келтирғанлар! Ўзингизни ва ахли аёлингизни ёқилғиси одамлару тошдан бўлган оловдан сақланг. Унинг тепасида қўпол, дарғазаб фаришталар бўлиб, улар Аллоҳнинг амрига исён қиласалар ва нимага буюрилсалар, шуни қилурлар», (Таҳрим сураси, 6-оят).

Фарзандимиз солих инсон бўлиб улғайиши учун нима қилишимиз керак?

1. Аллоҳ таолодан солих фарзанд сўраб дуо қилиш

وَالَّذِينَ يَقُولُونَ رَبِّنَا هَبْ لَنَا مِنْ أَرْزَاقِنَا  
وَدُرِّيَاتِنَا فِرْقَةً أَعْيُنٍ وَاجْعَلْنَا لِلْمُتَقْبِينَ إِمَامًا

«Улар «Роббимиз, Ўзинг бизга жуфти ҳалоллари миздан ва зурриётлари миздан кўз қувончи ҳадя эт ҳамда бизларни тақвадорларга пешво қил», дейдиганлардир» (Фурқон сураси, 74-оят).

هُنَالِكَ دَعَا زَكَرِيَّا رَبَّهُ قَالَ رَبِّ هَبْ لِي  
مِنْ لَدُنْكَ ذُرْيَةً طَيِّبَةً إِنَّكَ سَيِّعُ الدُّعَاءِ

«Шу чоғда Закариё Роббига дуо қилиб: «Роббим, менга Ўз ҳузурингдан покиза зурриёт ҳадя эт. Албатта, Сен дуони эшитувчисан», (Оли Имрон сураси, 38-оят) деди.

2. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга тұлық әрғашиш

وَمَا أَرْسَلْنَاكَ إِلَّا رَحْمَةً لِّلْعَالَمِينَ

**«Сени оламларга фақат раҳмат қилиб юбордик»**  
(Анбиё сураси, 107-оят).

Барчамизга маълумки Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам аҳллариға әнг яхши муносабатда бўлганлар.

Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг болаларга қандай муомала ва муносабатда бўлганларини ўрганиб, ўрнак олиб яшашга ҳаракат қилишимиз зарур. Бу дунёдаги ишимиznи суннатга амал қилиб ўнглассак, иншааллоҳ, охиратда унинг ажр-мукофотига сазовор бўламиз.

3. Болани доимо диққат-эътибор марказида ушлаш

Ибн Умар розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Огоҳ бўлинглар. Барчангиз раҳбарсизлар ва ўз қўл остидагиларингиздан сўралурсизлар. Одамлар устида турган имом раҳбардир ва у ўз қўл остидагидан сўралур. Эр киши ўз аҳли байтида раҳбардир ва у ўз қўл остидагидан сўралур. Аёл киши эри ва (эринг) Ўғли уйида раҳбардир ва у ўз қўл остидагидан сўралур...» деди-

лар» (Бешовлари ривоят қилганлар).

4. Гуноҳлардан сақла-ниш

Ота-она тарафидан со-дир этилган гуноҳ ишлар фарзандининг феъл-атво-ри шаклланишида ҳамда келажагига салбий таъси-рини кўрсатади.

Аммо шу унутмаслик за-турки, Оламларнинг Роб-биси фарзанд дунёга ке-лишидан аввал келажакда у ўзига берилган ақли ва иродасини ишлатиб яхши ёки гуноҳ амалларни қилишини, солиҳ ёки гуноҳкор банда бўлишини билади.

وَلَا تَرُرْ وَأَزِرْ وَرْزْ أَخْرَى وَإِنْ تَدْعُ مُنْقَلَةً إِلَى جُهْلِهَا  
لَا يُجْعَلُ مِنْهُ شَيْءٌ وَلَوْ كَانَ ذَا قُرْبَى إِنَّمَا تُنْذِرُ  
الَّذِينَ يَخْشَوْنَ رَبَّهِمْ بِالْغَيْبِ وَأَقَامُوا الصَّلَاةَ وَمَنْ  
تَرَكَ فَإِنَّمَا يَتَرَكَ لِنَفْسِهِ وَلَئِنَّ اللَّهَ الْمَصِيرُ

**«Хеч бир юкли жон ўз-ганинг юкини кўтармас. Юки оғир жон ўз юкига (бошқани) чақирса-да, ундан ҳеч бир нарса кўтарилмас. Гарчи қариндош бўлса ҳам. Сен фақат Роббларидан ғойибона қўрқадиган ва намозни тўқис адo этганларни огоҳлантиурсан. Ким покланса, ўзи учун покла-нур. Қайтиш Аллоҳгадир»** (Фотир сураси, 18-оят).

Шу билан бирга, ота ва она ўз ҳаракатлариға диққатли бўлишлари ва ҳар доим Аллоҳнинг розилигини излашга ҳаракат қилишлари керак.

5. Солиҳ инсон бўлиш

Аллоҳ таоло ота-онаси солиҳ бўлган инсонларнинг авлодига ёрдам беради.

Мусо алайҳиссалом ва Ҳизр алайҳиссалом (солиҳ банда) қиссасидаги ибратни эслайлик. Улар бирга сафарлари давомида бир ерга борадилар. У ернинг аҳолисидан таом сўрайдилар, ўзларининг мусофири эканликларини айтадилар. Лекин у жойнинг аҳолиси меҳмон қилмай, таом бермайди. Чарчаб-хориб, шаҳарнинг ташқарисига чиқиб ўтирганларида кўзлари бир йиқилиб кетай деб турган деворга тушади. Ҳизр алайҳиссалом (солиҳ банда) туриб Мусо алайҳиссаломни ҳам чорлаб халиги деворни йиқитиб, қайта қуриб кўядилар. Мусо алайҳиссалом бунинг сабабини сўрайдилар. Ҳизр алайҳиссалом (солиҳ банда) айтадилар:

«Деворнинг остида икки етим боланинг ҳазинаси кўмилган эди. Уларнинг отаси аҳли солиҳ бўлган эди. Шунинг ҳурматидан етим болалар вояга етгунича уларнинг ҳазинасига бегоналарнинг кўзи тушмаслигини ирова қилган Аллоҳ деворни бузиб қайта уриб қўйишга амр қилди».

**Шайх Мұхаммад Содик Мұхаммад Юсуф раҳима-хуллоҳнинг «Тафсири Ҳи-лол» китоби ва islam-today.ru интернет нашрларидан фойдаланиб тайёрланди.**

# Muslimaat.uz ҳаётидан

«Илм заҳматида сабр ва вақт қадри» мавзусида давра сұхбати

2021 йил 9 апрель куни ЎзДЖТУнинг Таржимонлик факультетида “Илм заҳматида сабр ва вақт қадри” мавзусида давра сұхбати бўлиб ўтди. Тадбирда факультет ўқитувчилари ва талabalari иштирок этишди. Тадбир меҳмони muslimaat.uz сайти, Bintu Sodiq va Muallim media ижтимоий-маърифий каналлари раҳбари Одинахон Муҳаммад Содик бўлди.

## Эътиқод мусаффолиги йўлида

12 апрель куни Хадиҷа Кубро аёл-қизлар ўрта маҳсус ислом билим юртида «Эътиқод мусаффолиги йўлида» мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда билим юрти ўқитувчилари ва талabalari иштирок этишди. Тадбир меҳмони muslimaat.uz сайти ва Bintu



Sodiq ижтимоий-маърифий канали раҳбари Одинахон Муҳаммад Содик бўлди.

## М.Губкин номидаги Россия давлат нефт ва газ университетида тадбир

2021 йил 28 апрель куни М.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ (Миллий тадқиқот университети) университетида muslimaat.uz сайти, Bintu Sodiq va Muallim media ижтимоий-маърифий каналлари раҳбари Одинахон Муҳаммад Содикнинг институт талаба қизлари билан учрашу-

ви бўлиб ўтди. Учрашувда Одинахон Муҳаммад Содик қизларни оиласга тайёрлаш ва соғлом турмуш тарзи ҳақида мазмунли сұхбат олиб бордилар

## YEJOU техника институтида талаба қизлар билан учрашув

2021 йилнинг 3 май куни YEOJU техника институтида muslimaat.uz сайти, Bintu Sodiq va Muallim media каналлари раҳбари Одинахон Муҳаммад Содикнинг институт талаба қизлари билан “Аёлларга айтар сўзларим” мавзусида учрашуви бўлиб ўтди.

## «Ғолиблик муборак»

2021 йил 25 май куни сайт ва каналларимизда эълон қилинган танлов ғолибларини тақдирлаш мақсадида “Ғолиблик муборак” тадбирини уюштирдик.

Мақсадимиз Рамазон ойи муносабати билан muslimaat.uz, forum.





muslimaat.uz сайти ва Bintu Sodiq каналларимизда эълон қилинган танловларнинг натижалари билан танишиш, ғолибларни тақдирлаш, қатнашчиларга ташаккурларимизни изҳор қилиш эди. Иншааллоҳ, имкон қадар мақсадларимизга эришдик, деб ўйлаймиз. Тадбирга нафақат танлов ғолиблари, балки ғолиб бўлмаган онажонлар, опажонлар, сингилжонлар ва азиз болажонларимиз ҳам ташриф буюришди.

### Наманганда давра сұхбати

2021 йил 27 май куни muslimaat.uz сайти ва Bintu Sodiq, Muallim media каналлари раҳбари, устозамиз Одинахон Муҳаммад Содик Наманган вилоятида бўлдилар. Наманган муҳандислик-қурилиш институтида устозамиз билан институт ўқитувчилари, ходималари ва талабалари иштирокида "Ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш одоблари ҳамда улардан таълим соҳасида самарали фойдала-

ниш" мавзусида давра сұхбати бўлиб ўтди.

### Қирғизистон сафари таассуротлари

2021 йил 31 май-3 июнь кунлари muslimaat.uz сайти, Bintu Sodiq ва Muallim media ижтимоий-маърифий каналлари раҳбари, устозамиз Одинахон Муҳаммад Содик Қирғизистон Республикасининг Ўш, Қорасув шаҳарларига ташриф буюрдилар.

### Университетда "Бахтиёр оила" мавзусида учрашув бўлиб ўтди

2021 йил 11 июнь куни Тошкент шаҳридаги «Моск-

ва муҳандислик – физика институти»нинг Миллий тадқиқот ядро универсиитети филиалида muslimaat.uz сайти, Muallim media ва Binti Sodiq канали раҳбари Одинахон Муҳаммад Содик билан «Бахтиёр оила» мавзусида учрашув бўлиб ўтди.

### "Аёллар келажак бунёдкоридир"

2021 йил 29 июнь куни Андижон шаҳри "Туркистон" тантаналар саройида muslimaat.uz сайти, Bintu Sodiq ва Muallim media каналлари раҳбари Одинахон Муҳаммад Содикнинг Grand Ta'lim нодавлат таълим муассасаси Андижон филиали устозалари ва у ерда таҳсил олувчи талабалар, ихлосманд аёл-қизлар билан учрашув тадбири бўлиб ўтди. "Аёллар келажак бунёдкоридир" мавзусида бўлиб ўтган бу маърифий тадбирда устозимиз Одинахон Муҳаммад Содик аёлларнинг жамиятдаги, фарзандлар таълим-тарбиясидаги ўрни, динимиз аёлларга берган юксак шараф – оналик масъулияти ҳақида гўзал мавъиза қилдилар.



# ЭРОДОБИГА КИРУВЧИ ВАЗИФАЛАР

Эр одобига киравчи  
жуда кўп вазифалар ҳам борки,  
қўйида буларни ҳам  
келтириб ўтамиш:

– Эр аҳли-аёлининг ҳузурига кўчадан салом бериб киради ва уларнинг ахволини ва кайфиятини сўрайди.

– Аёли ёлғиз, кайфияти яхши бўлса, унинг соchlарини силаб, суйиб, турли илтифотлар кўрсатади.

– Хотинини қайғули, хафа ҳолда кўrsa, унга раҳм-шафқат кўrсатади, ҳол сўрайди, яхши сўзлар билан тасалли беради.

– Эр турли ширин сўзлар, дил изҳорлари, тасалли ва ваъдалар билан хотинининг кўнглини кўтариб, дилини хуш қиласди. Чунки аёл эрининг хонадонида бошқалардан умидсиз, яхши сўзга муҳтож бўлади. Яна «Аёл киши қулоғи билан яхши кўради» деган гап ҳам бор.

– Аёлига бола тарбиясида яқиндан ёрдам беради, бусоҳада унинг ишларини енгиллаштиради. Болаларга иймон-эътиқодни тушунтириш, касб-хунар ўргатиш, жисмонан чиниқтириш кўпроқ оталар зиммасида бўлади.

– Хотинини асло урмайди, дунёвий ишлардаги айрим қусур ва камчиликлари учун сўкиб-тергамайди. Дин ишларида йўл қўйган қусури учун бир кундан ортиқ гина-араз қиласмайди, аёли жуда ҳаддан ошганида, исломий танбеҳ чорасини қўллайди.

– Эр аёлининг ёмон қиликларига сабр қиласди, уни тарбиялаш чораларини ах-



таради. Аёли ғазабга кирганида, сукут қиласди. Аёл киши заифа бўлгани учун, ана шу сукутга таслим бўлади, ғазабига пушаймон чекиб, эридан узр сўрайди.

– Хотини яхши хулқли, ороста бўлиб, хизматларини комил адo этса, унинг ҳаққига дуолар қиласди, Яратганга ҳамдлар айтади.

– Тириклик ва рўзғор ташвишлари хусусидагина эр аёли билан маслаҳатлашади, бундан бошқа катта иш, масъулиятларни аёлига юкламайди. У аёлига ўзининг қайғу-мусибатлар ва ташвишларини, ишидаги кўнгилсизликларни, душманлари ва зиммасидаги бурчларини айтиб, унинг оромини бузмайди.

– Хотинининг гуноҳ бўлмаган майда-чўйда қусур ва ҳийаларига кўз юмиб, уларни билмаганликка олади, унинг бутун сир ва айблари-

ни бошқалардан пинҳон тутиб, яширади.

– Аёлининг номаҳрам, бегона эркаклар билан бирга ўтиришидан, улар билан ёлғиз қолишидан, апоқ-чапоқ бўлиб кетишидан рашк қиласди.

– Эр хотинига Аллоҳ буюрган амалларни, дин одоблагини ўргатади.

– Эр аёлининг изнисиз сафарга кетмайди, уни узоқ вақт ҳижронга солмайди, аёли билан баҳтли ҳаёт кечиришаётган бўлса, устига уйланмайди.

– Аёл кечаю кундуз эрининг хизматини қилгани, рўзғорининг барча юмушларини бажаргани, фарзандини боқиб-тарбиялагани, оиланинг посбони, хазинабони, муnis ёри бўлгани учун унинг олдиндан ҳам, ортидан ҳам фақат яхши дуолар қиласди, қарғамайди, миннатдорчиллик билдириб туради.



# НИМА УЧУН БОЛА ЎЗИНИНГ СОЧИНИ ЮЛАДИ?

Muslimaat.uz сайтида "Психологга саволим бор" рукнига келаётган мактубларнинг орасида болаларнинг соч юлиши, сочини юлиб ютиб юбориши, тирноқ тишлаши каби ҳолатларда нима қилиш керак, деган саволлар кўп учраб қолади. Қуйида шундай саволлардан бири ҳақида сўз юритсак.

"Ассаламу алайкум. Менинг саволим шундан иборатки, ўғлим роса сочини юляпти. Нима қилишини билмайман. Борган сари сочлари камайиб, хунуклашиб боришига жим қараб тура олмайман. "Ундай қилма", деб уришиб ҳам кўрдим, яхши гапириб ҳам кўрдим. Барibir бу қилиғини ташламайди.

*Маслаҳат беринг, нима қиласай?"*

**Жавоб:** Бу ҳолат рұхий бузилиш ҳисобланыб, трихотилломания деб аталади. "Трихотилломания" юнончадан "соң юлишга әхтирос ёки майл сезиш" деган маънени билдиради. Бу ҳам клептомания, пиромания каби патологик үзгариш. Сочини юлиш таҳминан одамларнинг 1-2 фоизини ташкил этади. Бу ҳолат күпинча автоматик характерга әга, яъни бола үзи англамаган ҳолда шундай қиласади. Бу ҳолат келиб чиқишининг асосий сабаби хавотирлик ҳисси, зўриқиши ҳисси бўлиб, бемор сочини юлганида енгиллик, қониқиши ҳис этади. Сочни юлиш болаларда З ёшдан бошлаб кузатилиши мумкин. Аввалида тирноғини тишлаб, бармоғини сўриши, сўнг соң юлишга ўтиши мумкин. Аксарият ҳолатларда жинсий етилиш олдидан ёки ундан кейин ҳам кузатилади. Кўпинча бу ҳолат ёлғизлиқда қилинади. Трихотилломанияга дучор бўлган катта ёшдаги инсонларнинг 90 фоизини аёллар ташкил этишади. Бу ҳолатларнинг аксариятида депрессив бузилиш борлиги аниқланади. Трихотил-

ломаниянинг диагностикаси шундан иборатки, бемор сочини юлишни тұхтатишига кўп бор ҳаракат қилиб кўради, сочини юлганидан кейин фаолиятларини бажарishiда қийинчилик сезиши, дискомфорт, яъни ўзини ноқулай сезиши билан биргаликда уят ҳиссини сезиши ҳам кузатилади. Бемор сочини юлиш билан биргаликда соң толасини бармоғига ўраб ўтириши, тиши билан тишлаб ўйнаши, гоҳида уни ютиб юбориши ҳам мумкин. Шу сабабли ошқозонда сочли шиш ҳосил бўлиб, бу кўпинча хирургик аралашувга олиб келади. Кичик болалар мактабга борганида, дарсда ўтирганида, ўйин ўйнаганида бу одати эсидан чиқиб, бекор қолса, зерикса ёки хавотирланса ва асабийлашса, бу одатни яна такрорлайди.

Боланинг трихотилломанияга чалинишига унга нисбатан нотўғри тарбия қўлланилганида, масалан, ота-она ёки буви, бувалари қаттиқўл, талабчан, боланинг тоқатидан ортиқча нарсалар талаб қилсалар ёки оиласа антисоциал мұхит бўлса, яъни виждонсизлик, масъулиятни ҳис қилмаслик, маънавий ахлоқ-

сизликлар сабаб бўлади. Психолог олимларнинг кузативига қараганда, болага эътибор кучли бўлган, меҳр етарли дарражада берилган, ахлоқий мұхити яхши бўлган оиласаларда бу каби касалликлар кузатилмас экан. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бу bemорлар оғриқни кучли сезишмайди. Аксарият ҳолларда бола 13-14 ёшга киргунича ўтиб кетади. Аммо ўзи ўтиб кетар экан, деб бола шу аҳволга ташлаб қўйилиши керак эмас. Албатта даволаниши керак. Чунки болада бу ҳолат узоқ вақт давом этса, унда шахснинг патологик үзгариши ҳосил бўлиши мумкин. Бу каби ҳолатларда болаларни уришиб бўлмайди. Ҳадеб тергайверилса, болада касаллик янада кучая боради. Аввал оила аъзоларининг шахс сифатида ўзининг дунёқарашига ўзгартириш киритилиши, болага бўлган муносабати юмшатилиши, меҳр берилиши, эътибор қилиниши керак. Бу каби ҳолатларда психотерапиянинг ҳар турли вариантлари қўлланилиши мумкин. Бундай bemорни психотерапевт шифокори даволайди.

*Мадина Джураева*


# Окрошка



2 та картошка  
2 та тухум  
2 бўлак гўшт  
0,5 литр суюқ ширин (нордон эмас) қатиқ  
(сметана ёки кефир)  
2 та бодринг  
таъбга кўра туз  
Укроп (хоҳишга кўра)  
Кашнич (хоҳишга кўра)

Гўштни сувга соламиз. Паст оловда қайната-  
миз. Шу орада таъбга кўра туз соламиз. Қай-  
наб пишгандан кейин сувини тўкиб юбор-  
маймиз ва совитиб, окрошкага соламиз.  
Бошқа бир идишда картошка ва тухумни  
ҳам алоҳида қайнатиб, пишириб оламиз.  
Ҳамма масаллиқларни майдада тўртбурчак  
шаклда тўғраб, совуқ ҳолида қатиқ билан  
аралаштирамиз. Ярим соатга совуткичда  
қолдирамиз. Окрошкамиз тайёр!

*Гулшода Аллоқулова  
тайёрлади*



Бу шўрва ҳаво иссиқ пайтида тайёрланан-  
диган мазали, ҳазми енгил ва яхна таом-  
лардан биридир.

Лавлаги (пиширилган) - 2 дона  
Тухум (қайнатилган) - 4 дона  
Бодринг - 2 дона  
Кўк пиёс - таъбга кўра  
Кўкатлар - таъбга кўра  
Кефир - 1 литр  
Мурч - таъбга кўра

Лавлагини ювиб, қоғоз сочиқ билан қу-  
ритиб, фольга қоғозда ўраб ва печда 180  
даражада иссиқда пиширамиз (таксминан 1  
соат). Пишгач, қирғичда майдалаймиз.  
Бодринг ва тухумни куб шаклида тўғрай-  
миз. Кўкатларни майдалаб тўғраймиз.  
Ҳамма масаллиқларни идишга солиб,  
устига кефирни соламиз. Кефирни хоҳиш-  
га қараб камайтириш ёки кўпайтириш  
мумкин.

Ёқимли иштаҳа!

## Лавлагили яхна шўрва

